

# ИШНОНСН

Ислом КАРИМОВ:  
Албатта, жамиятимизда ўта бойлар ҳам, ўта камбағаллар ҳам бўлмаслиги керак. Лекин, шу билан бирга, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик эгаларига, уларнинг ўз ҳалол меҳнати, пешона тери билан топадиган даромади ва бойлигига ёндашишда эски замондан қолган иллат ва асоратлардан бутунлай воз кечишимиз зарур. Ўнда қилиб айтганда, улларга ҳасад билан эмас, ҳавас билан қараш жамиятимизда тобора чуқур қарор топшишни хоҳлардим. Ва бундай ҳолатни бугун ҳаётимизда содир бўлаётган ўзгаришларнинг табиий ва мантикий натижаси тариқасида кўришимиз маъқул деб ҳисоблайман.

## ЯНГИЛАНИШ ВА БАРҚАРОР ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИДАН ЯНАДА ИЗЧИЛ ҲАРАКАТ ҚИЛИШ, ХАЛҚИМИЗ УЧУН ФАРОВОН ТУРМУШ ШАРОИТИ ЯРАТИШ – АСОСИЙ ВАЗИФАМИЗДИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2006 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2007 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси

Хурматли мажлис иштирокчилари!

Бугунги йиғилишимизда кўзланган асосий мақсад – юртимизда амалга оширилаётган ислохотлар натижаларини ва 2006 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунларини танқидий баҳолаб, 2007 йилдаги муҳим ҳаётий аҳамиятга эга бўлган устувор вазифа ва йўналишларни белгилаб олишдан иборат.

Ўтган йил яқунларини таҳлил қилар эканмиз, қуйидаги ўта муҳим ва ўзига хос жиҳатлар ва хулосалар ҳақида қисқача тўхталиб ўтмоқчиман.

**Биринчидан,** Халқаро валюта жамғармасининг иқтисодиётимизнинг ўтган йилги ривожланиш яқунлари бўйича берган баҳолари, яъни ялпи ички маҳсулотимизнинг юксак ўсиш суръатлари ва макроиқтисодий ривожланиш натижалари, олтин-валюта захирасининг ошиши ва тўлов балансининг барқарорлигини таъминлайдиган экспорт ҳажмининг мисли кўрилмаган даражада кўпайиши барчамизни қувонтиради, албатта.

Давлат бюджетни 93 миллиард сўм ёки ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,5 фоиз профицит билан баъжирди. Олиб борилаётган қатъий пул-кредит сиёсати ва пул айланмасининг изчил назоратда тутилши мунотарф кўрсаткичларнинг барқарор даражасини таъминлаш, инфляция суръатини пасайтириш ва уни 6,8 фоизга олиб келиш имконини берди.

2006 йилда ялпи ички маҳсулот 7,3 фоизга ўсди. Ишлаб чиқариш ҳажмининг саноатда 10,8, қишлоқ хўжалигида 6,2 фоизга ошгани, инвестицияларнинг 11,4, қурилиш-пудрат ишларининг 12,8, хизмат кўрсатиш соҳасидаги кўрсаткичларнинг 19,5 фоизга ўсгани иқтисодий ривожланишнинг асосий омиллари бўлиб хизмат қилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ўтган йилда эришилган ана шундай ўсиш суръатлари ва юксак макроиқтисодий кўрсаткичлар жамиятимизнинг барча соҳаларини тубдан ислох қилиш ва янгилаш бўйича амалга оширилган кўп йиллик машаққатли ва мураккаб ишларнинг мантикий натижаси, мамлакатимиз иқтисодиётини изчил ва барқарор ривожлантиришнинг амалий намойиши бўлди.

Масалан, 2006 йилда иқтисодиётнинг ўсиши, соғайтириш нархларда олиб қараганда, 2000 йилга нисбатан 45 фоизни ташкил этди, бунда саноат ишлаб чиқариши 1,6 марта, қишлоқ хўжалиги 1,5 баробар, ташқи савдо айланмаси 1,7 марта, экспорт ҳажми 1,9, олтин-валюта захираси 3,7 баробар, реал иш ҳақи эса 4 марта ошганини кўриш мумкин. Шу билан бирга, инфляциянинг йиллик даражаси 4 мартадан зиёд пасайгани ҳам қайд этиш лозим.

Айни пайтда, ишлаб чиқариш самардорлигини ошириш борасида ҳам жиддий ютуқларга эришилди. Бунинг натижасида саноатда меҳнат унумдорлиги 1,7 марта ошди.

Шуни қайд қилиш керакки, ялпи ички маҳсулотнинг юқори суръатлар билан ўсиши аънанавий хомашё тармоқлари ҳисобидан эмас, ҳақон бозоридан қулай конъюнктура ва ай-

рим хомашё турлари ҳамда материаллар нархининг юқорилиги ҳисобидан эмас, балки биринчи навбатда рақобатга бардошли тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳамда замонавий хизмат кўрсатиш соҳаларини жадал ривожлантиришни белгилаб берадиган жиддий таркибий ўзгаришлар ва ишлаб чиқариш самардорлигини ошириш эъвазига таъминланмоқда.

2006 йилда саноатнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 2000 йилдаги 14,2 фоиз ўрнига 22,1 фоизни, хизматлар кўрсатиш соҳасининг улуши 30 фоиз ўрнига 39,5 фоизни ташкил этди. Қишлоқ хўжалигида эса аксинча – бу кўрсаткич пасайиб, 32 фоиздан 24 фоизга тушди.

Ёқилги-энергетика мажмуаси ва рангли металлургия тармоқлари юқори суръатларда ўсди. Ўтган йили фақат ёқилги-энергетика мажмуасини ривожлантириш, реконструкция ва модернизация қилиш учун 250 миллион доллар ҳажмидаги хорижий сармоя жалб қилинди.

2006 йилда ўсиш суръати машинасозлик ва металл қайта ишлаш саноатидан 25,7 фоиз, кимё ва нефть-кимё саноатидан 19,6 фоиз, озиқ-овқат соҳасида 28 фоиз, ёнғил саноатда 20 фоиз, ёғочни қайта ишлаш ва меҳнат саноатидан 18 фоиз, қурилиш материаллари саноатидан 12 фоизга ошди.

Иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлар, хўжалик юртимизнинг субъектларини ишлаб чиқариш фаоллигини ошириш ва молиявий барқарорлигини таъминлашда пухта ўйланган, биринчи навбатда солиқ юқини камайтиришга қаратилган солиқ сиёсатининг ўтказилиши муҳим аҳамият касб этди. Ўтган йили юридик шахслар даромадлари (фойда)дан олиннадиган солиқ ставкалари 15 фоиздан 12 фоизгача, дивиденд ва фойзалардан олиннадиган солиқ 15 фоиздан 10 фоизгача, ягона ижтимоий тўлов эса 31 фоиздан 25 фоизгача камайтирилди. Экология соҳаси бугундай бекор қилинди.

Солиқ имтиёзларидан фойдаланиш натижасида республикамиз корхона, компания ва хўжаликлари 2006 йилда ўз молиявий ресурсларини кўшимча равишда 425 миллиард сўмга кўпайтирди. Бу эса инвестицияларнинг ўсиши, корхоналарнинг айланма маблағларини тўлдирish ва меҳнатга ҳақ тўлашни ошириш учун кўшимча манба бўлиб хизмат қилди.

**Иккинчидан,** бозор ислохотларини чуқурлаштириш, иқтисодиётни эркинлаштириш ва мулк ҳуқуқини ҳимоя қилишни мустақамлашга қаратилган чораларнинг амалга оширилиши мамлакатимизда инвестиция муҳитини яхшилаш ҳамда ҳатти тобора ортб бораётган хорижий сармояларни жалб қилишда ижобий таъсир кўрсатди.

2006 йилда молиялашнинг барча манбалари ҳисобидан ўзлаштирилган капитал маблағлар ҳажми 3 миллиард 140 миллион АҚШ долларига тенг даражани ташкил этди.

Иқтисодиётга йўналтирилган сармояларнинг қарийб 50 фоизи технологияларни янгилаш ва замонавий ускуналар харид қилишга сарфланди. Барча сармояларнинг



77,5 фоизини ташкил этадиган марказлашмаган сармояларнинг асосий ўсиши хорижий инвестицияларни тўридан-тўри жалб қилиш, корхоналарнинг ўз маблағи ва банк кредитлари ҳисобидан таъминланди.

Натижада йил давомида Кўнғирот сода заводи, Тўполан ГЭСи ишга туширилди. "Ўзметкомбинат" акциядорлик ишлаб чиқариш бирлашмасида мис ва унинг қуйилмаларидан тасма ленталарини ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. "Кўкдудмалок" кўшма корхонасида газни қайта ишлаш қувватининг биринчи навбати фойдаланишга топширилди. Фаргона нефтни қайта ишлаш заводида газни қисмларга ажратадиган қурилиш, Газли-Саримой газ қувури қурилиши, тўқимачилик саноатида эса 11 та инвестиция лойиҳаси яқунда етказилди, саноатнинг қатор етакчи тармоқларида йирик инвестиция лойиҳаларини амалга оширишга киришилди.

Тошгузар-Бойсун-Қумқўрғон темир йўли қурилиши, Тошкент иссиқлик электр станциясини модернизация этиш, Навоий шаҳри аэропортини реконструкция қилиш, Резаксой ва Хангаронсой сув омбори ҳамда бошқа объектлар барпо этиш билан боғлиқ йирик лойиҳаларни амалга ошириш давом этмоқда. Арис-Ўзбекистон темир йўли тармоғи электрлаштирилди.

Йўловчи ташвиш поевдларининг янги теззорар йўналишларини ишга туширилди. Йўл қурилиши дастурининг амалга оширилиши туфайли 2006 йилда халқаро транспорт тармоғи таркибига қирадиган 130 километр автомобил йўли реконструкция қилинди, умумий фойдаланишда бўлган 2400 километр йўл таъмирланди, 34 та кўприк қурилди.

Умумий қиймати 186 миллион доллар бўлган, тўридан-тўри жалб этилган хорижий сармоялар иштирокида 53 та лойиҳа бўйича маблағларни ўзлаштириш ақуналиб, махсулот ишлаб чиқариш бошланди. Жумладан, "Ўзбекенгилсаноат" давлат акциядорлик компаниясида – 11 та лойиҳа, Алоқа ва ахборотлаштириш

агентлигида – 4 та, "Ўзбекчарм-пайабазли" акциядорлик компаниясида – 2 та ва республикамизнинг турли ҳудудларида 31 та лойиҳа амалга оширилди.

**Учинчидан,** одамларда мулкка бўлган муносабатни ўзгариши, деҳқонларимизда ерга эгалик ҳиссини шакллантиришга қаратилган иқтисодий ислохотларнинг изчил амалга оширилиши натижасида қишлоқ хўжалиги соҳасида чуқур ўзгаришлар рўй бермоқда. Қишлоқ меҳнатқашларининг дунёқарашини ўзгартириш, уларда ташаббускорлик, тадбиркорлик, ер ҳамда сув ресурсларига масъулият ва тежамкорлик билан муносабатда бўлиш каби фазилатлар янада яққол намойён бўлмоқда.

Ҳеч шубҳасиз, бугунги кунда қишлоқ хўжалиги самардорлигини тубдан ошириш сўнги йилларда пахтачилик, галлачилик ва мева-сабзавотчиликда мўл ҳосил етиштириш, ишлаб чиқариш ҳажмларининг ўсишида чуқур ўйланган ва изчиллик билан амалга оширилаётган ислохотлар асосий омил бўлаётганини барчамиз яхши англаймиз.

Шуни мамнуният билан қайд этиш жоизки, фермер хўжаликлари амалда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг асосий шаклига, уни барқарор ривожлантиришни таъминлашда етакчи ҳаракатлантирувчи қушга айланди.

Ҳозирги пайтда республикамизда 190 мингга яқин фермер хўжалиги фаолият кўрсатмоқда ва уларда салткам 1,4 миллион киши меҳнат қилмоқда.

Агар 2000 йилда етиштирилган пахта ҳосилининг 21 фоизи фермер хўжаликлари ҳиссасига тўри келган бўлса, 2006 йилда бу кўрсаткич 86 фоиздан ошиб кетди, бошқоқни дон экинлар етиштириш бўйича эса 2000 йилда 15 фоизни ташкил этган бўлса, ўтган йили 75 фоиздан иборат бўлди.

Биргина 2006 йилнинг ўзида 666 та ширкат хўжалигини қайта ташкил этиш ҳисобидан 74 мингга фермер хўжалиги тузилди, уларнинг ярмидан кўпи мева-сабзавотчиликка икти-

сослашганини таъкидлаш лозим.

Қишлоқ жойларда бозор иқтисодиёти тамойилларига асосланган меҳнат кооперациясининг янги шакллари, янги хўжалик муносабатлари тизими қарор топмоқда.

Жумладан, фермер хўжаликлари томонидан мева-сабзавот маҳсулотлари ва узум етиштиришга ҳамда уларни қайта ишлашга иктисослашган қарийб 200 та агрофирма ташкил этилди, қишлоқ хўжалиги соҳасида ишлаб чиқаришга хизмат кўрсатиш, транспорт хизмати, маҳсулотларни қадоқлаш, жойлаш ва экспорт қилиш ҳамда шу каби бошқа хизматлар кўрсатиш бўйича ишлаб чиқариш ва бозор инфратузилмаси шаклланди.

**Тўртинчидан,** миллий иқтисодиётимизнинг экспорт салоҳияти жадал ривожланиб, тобора рақобатга бардошли бўлиб бораётгани 2006 йилда эришган асосий натижаларимиздан бири бўлди.

Экспорт корхоналаримиз фаолиятининг энг муҳим йўналишига, бугун иқтисодиётимизнинг ривожланиш натижаларини баҳолаш мезонига айланди.

Бугунги кунда даярлик қўлгана тармоқ ва корхоналаримиз ташқи иқтисодий фаолиятга тўлиқ жалб этилган бўлиб, ташқи бозорларни фаоллик билан ўзлаштирмоқда.

Биргина 2006 йилнинг ўзида товар маҳсулотларини экспорт қилиш ҳажми 31,5 фоизга ўсиб, 2000 йилга нисбатан 2 мартадан кўпроқ ортди.

Ташқи савдо айланмасининг ижобий салдоси йил давомида қарийб 2 миллиард АҚШ долларига ўсди. Шу борада эътиборингизни муҳим бир масалага қаратмоқчиман.

Экспорт ҳажмининг ана шундай ўсиши биз учун аънанавий ресурслар бўлиш пахта толеси, кимматбахо металллар ва турли хомашё ёқилғи бериш ҳисобига эмас, балки асосан автомобиллар, нефть-кимё ва металл маҳсулотлари, минерал ўғитлар, ип-калава ва газлама, трикотаж буюмлар, сим-кабел маҳсулотлари, қурилиш материаллари ва бошқа шу каби кўпқабатли экспорт товарлари ҳамда ва турларини кўпайтириш эъвазига таъминланмоқда.

Буни экспорт ҳажмида тайёр маҳсулотлар ва хизматларнинг улуши 53 фоиздан ошгани, пахта толеси саноатининг улуши эса 17 фоизгача камайгани ҳам яққол тасдиқлайди.

**Бешинчидан,** 2006 йилда аҳоли бандлигини ошириш, халқимиз турмуш даражасини босқичма-босқич юксалтириш йўлида сезиларли қадамлар қўйилди. Барча тоифадаги ишчи-хотимларнинг реал иш ҳақи ўтган йилда 36 фоизга ўсди.

Ўтган йили иқтисодиётимизда амалга оширилган таркибий ўзгариш ва ўсиш суръатлари, кичик бизнес ва тадбиркорликни рағбатлантириш, хизмат кўрсатиш соҳасини жадал ривожлантириш, одамларимизга касана-чиликнинг турли шакллари билан шугулланишни учун шарт-шароит яратиб бериш, муҳтож оилаларни қорва моллари билан таъминлаш борасида қилинган қўлгана ишлар туфайли мамлакатимизда қарийб 570 мингга иш ўрни яратилди.

(Давоми 2-бетда)

2007 йил 12 февралда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ҳамда 2007 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов маъруза қилди.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ

### МАЖЛИСИ

Давлатимиз раҳбарининг маърузасида ислохотларни чуқурлаштириш ва иқтисодиётни эркинлаштириш чора-тадбирларини изчил амалга ошириш натижасида иқтисодий ўсишнинг барқарор юқори суръатлари, инфляция даражасининг пасайиши ва халқ фаровонлигининг ошиши тенденциялари мустақамланганлиги қайд этилди.

2006 йил яқунлари бўйича ялпи ички маҳсулот 7,3 фоизга, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 10,8 фоизга, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш 6,2 фоизга, пулли хизматлар кўрсатиш 19,3 фоизга, пудрат қурилиш ишлари 12,8 фоизга ўсди.

Республика иқтисодиётига жалб этилаётган хорижий инвестициялар, энг аввало, тўридан-тўри хорижий инвестициялар ҳажмига ўсди. Жами инвестицияларнинг ярмидан кўпроги ишлаб чиқариш базасини модернизация қилишга ва технология жиҳатдан янгилашга, янги асбоб-ускуналар сотиб олишга йўналтирилди. Ташқи иқтисодий фаолият фаол ривожланиб, маҳсулотни экспорт қилиш ҳажми кўпаймоқда, ташқи савдо ва тўлов баланси

лари мустақамланмоқда. Қишлоқ хўжалигида ислохотлар давом эттирилмоқда. Бугунги кунда республикада етиштирилаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг асосий қисми фермер хўжаликлари ҳиссасига тўри келади. Қабул қилинган мақсадли комплекс ривожлантириш дастурларининг тизимли амалга оширилиши натижасида аҳолининг иш билан бандлик даражаси ўсди, турмуш даражаси ва сифатининг жадал ошиши таъминланди.

Аҳолининг энг муҳтож тоифаларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича аниқ манзилли чора-тадбирлар ҳамда таълим, кадрлар тайёрлаш, соғлиқни сақлаш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш соҳасидаги мақсадли умумий миллий дастурлар изчил амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ўз маърузасида ҳал қилинмаган мавжуд муаммоларга эътиборни қаратди ва 2007 йил иқтисодий дастурининг энг муҳим устувор йўналишларини белгилаб берди.

Энг аввало, иқтисодиётнинг барқарор ва мувозанатлаштирилган ўсишини таъминлаш, энг муҳим тармоқларни янада таркибий жиҳат-

дан ўзгариши, техник ва технология жиҳатдан янгилаш, шу жумладан, буни тўридан-тўри хорижий инвестицияларни жалб этиш ҳисобига амалга ошириш, иш ҳақлари ва аҳоли турмуши сифатини муттасил ошириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик учун қулай иш муҳитини яратиш, хусусий мулкчиликни мустақамлаш, банк-молия тизимида ва коммунал хўжаликда ислохотларни чуқурлаштириш ана шулар жумласидандир.

Мажлисида кун тартибидан масалани муҳофаза қилиш давомида Бош вазир ўринбосари Э.Шоисматов, «Ўзбекенгилсаноат» давлат акциядорлик компанияси раиси Р.Рўзқуллов, ЕР-мой ва озиқ-овқат саноати уюшмаси раиси М.Ғофуров, Давлат солиқ ўмитаси раиси Б.Парғиев, Давлат божхона қўмитаси раиси С.Носиров, республиканинг бир қатор идоралари раҳбарлари ва вилоятлари ҳокимларининг ҳисоботлари эшитилди.

Мажлисида муҳофаза қилинган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

(Ўза)

### Ҳамкорлик

## МУНОСИБ МЕҲНАТ ШАРОИТИ

### хотин-қизлар қадр-қимматини улуғлайди

**Халқимизда азалдан хотин-қизларни асраш, уларга гамирлик кўрсатиш, агар талаб этилса, жон фидо этиш ва уларнинг бахт-саодати йўлида мардонавор курашиш ҳақиқий инсоний бурч сифатида қараб келинган. Авллар латофати, шаъни ва қадр-қиммати шеър ва қўшиқларда ўзгача тарзда тараннум этилади. Бугун юртимизда ана шу қадриятларни янада юксалтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.**

Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман)нинг режасига қура Республика хотин-қизлар кўмитаси, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, Адлия вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги томонидан Фаргона водийсидаги енгил саноат корхоналарида хотин-қизларнинг меҳнат ҳуқуқларига риоя қилиниши юзасидан ўтказилган мониторинг натижаларига бағишланган кенгайтирилган йиғилишда мавжуд аҳоли кенг таҳлил қилинди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман), Республика хотин-қизлар кўмитаси, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, «Ўзбекенгилсаноат» ДАК, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Адлия вазирлиги, Республика Бош Прокуратураси мутасадди вакиллари, Олий Мажлис депутатлари, Андижон, Наманган, Фаргона вилоятлари хотин-қизлар кўмиталари раислари, тармоқ касаба уюшмалари Марказий кенгаши ва Қоракалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар касаба уюшма ташкилотлари бирлашмалари раислари, тўқимачилик саноати тармоғидаги бир қатор корхоналарнинг раҳбарлари ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

(Давоми 3-бетда)







Россиянинг Санкт-Петербург шаҳрига бориб, реал-айкидо сирларини ўрганган Фахриддин Усмонов 2003 йилда ўзи туғилиб ўсган Самарқанд вилояти Жума шаҳрида клуб ташкил қилди. Сўнгра Самарқанд вилоят реал-айкидо Федерацияси тузилди. Орадан икки йил ўтиб, Усмонов реал-айкидо спорт тури бўйича Тошкент шаҳрида ҳам машгулотларни йўлга қўйди.

#### воб берди:

— Реал-айкидо инсонни руҳан ва қалбон мукамаллик, кучлиликка ўргатади. Унда яккакурашларнинг ҳужум ва ҳимоя усуллари, куроллар билан ишлаш,

жойлашган. Марказ раҳбари Любамир Врачерович Люба реал-айкидонинг асосчиси ҳисобланади. 10-Дан қора белбоғ соҳиби.

— Реал-айкидога ёшлар ўртасида қизиқиш

## РЕАЛ-АЙКИДО


### бир ёшга кирди

куроллардан ҳимояланиш санъати, хуллас, жанговарликнинг кўпгина қирралари ўргатилади. Шунинг учун реал-айкидо бўйича мусобақалар ўтказилмайдиган. Фақатгина кургазмили чикишлар ташкил қилинади. Жаҳон реал-айкидо маркази (WCRA) 1993 йилда расмий равишда тузилган бўлиб, унинг штаб-квартираси Сербиянинг Белград шаҳрида

қандай? Уни Ўзбекистонда ривожлантириш учун қандай режалар белгиланган?

**Норбобо Муродов, Ўзбекистон реал-айкидо Федерацияси менежери:**  
— Дастлаб, реал-айкидо билан шуғулланган бола қандай бўлади, деган саволга жавоб топсак. Реал-айкидо сирларидан бохабар спортчи, мисол учун, унга

қурул (масалан, тигли жисмлар) билан тажовуз қилинганда, оний лаҳзада рақибни куролсизлантириб, ҳафсизлантиришга қодир бўлади. У рақибни қараёт ҳолга ҳам тушириши мумкин. Бир сўз билан айтганда, реал-айкидо ўзини ҳимоя қилишга ўргатади. Шу боис, бу спорт тури билан шуғулланган ёшлар Ватан ҳимоясида, ҳуқуқ-тарбиёт органлари ва



Сўнгра уларни Тошкентга, Республика реал-айкидо Федерациясига олиб келиб, спорт тури қоидаларини мукамал ўргатамиз. Шундан кейингина уларга реал-айкидо залларини очиб берамиз. Шунингдек, россиялик мутахассислар иштирокида семинарлар ўтказиш, Жаҳон реал-айкидо маркази раҳбари жаноб Любани Тошкентга тақлиф қилиш масаласи ҳам келгуси режаларимизда бор.

Акмал АБДИЕВ

### «АДАБИЁТ АТОМДАН КУЧЛИ, ЛЕКИН...»

Ҳар бир ёзувчининг бадий услуби бўлади. Улкан адиб Абдулла Қаҳҳор асар ёзишда ўзига хос усуллардан кенг фойдаланар эди.

«Икита ёндафтар тутар эдилар, — деб хотирлаган эди Кибрий Қаҳҳорова. — Бирни умумий бўлиб, бунга айрим сўзлар, иборалар, тасвирлар, ташбеҳлар...», адабиёт ҳақидаги улар ёзиларди...»

Куйида адабнинг адабиёт тўғрисидаги фикрларидан намуналар баён этилди.

Шеър машқ қилиш, шеър ёзиш эмас.

Ижоднинг боши — ёзувчининг мувозанатидан чиқиши, конкрет асар эса шунинг ифодасидир.

Яхши ёзувчининг кечириш мумкин, лекин яхши ёзувчи истамаганини кечириш мумкин эмас.

Адабиёт — ҳунар, уни касбга айлантириб олган ёзувчи олмага тушган кўрдан фарқ қилмайди.

Адабий асар ёзиш учун, ҳеч шубҳасиз, талант керак, лекин ёзилган нарсани ўчириш, китобхонга зарур гапларини қолдириш учун талантнинг ўзига кифоя қилмайди, инсоф ҳам керак.

Хаёт — магнит. Уайга тортади. Ёзувчи шу магнитни ўйга юқтира олсагина китобхонни ўзига торта олади.

Тўпловчи: Акбар АЛИЕВ



## Харид учун чоғландингизми? Карточкангизни унутманг

Ипотекабанк пластик карточкалари - бу сизнинг махсулотлар харидидаги янги имкониятларингиз. Карточкани расмийлаштириш ва уни қўллашнинг энг осон йўллари тақлиф этилади. Ўзбекистон бўйича савдо ва хизмат курсатиш нуқталарига ўрнатилган 14000 дан ортиқ терминаллар сизнинг хизматида.




Хизматлар лицензияланган

МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

### Янги спорт тури

қурул (масалан, тигли жисмлар) билан тажовуз қилинганда, оний лаҳзада рақибни куролсизлантириб, ҳафсизлантиришга қодир бўлади. У рақибни қараёт ҳолга ҳам тушириши мумкин. Бир сўз билан айтганда, реал-айкидо ўзини ҳимоя қилишга ўргатади. Шу боис, бу спорт тури билан шуғулланган ёшлар Ватан ҳимоясида, ҳуқуқ-тарбиёт органлари ва



Сўнгра уларни Тошкентга, Республика реал-айкидо Федерациясига олиб келиб, спорт тури қоидаларини мукамал ўргатамиз. Шундан кейингина уларга реал-айкидо залларини очиб берамиз. Шунингдек, россиялик мутахассислар иштирокида семинарлар ўтказиш, Жаҳон реал-айкидо маркази раҳбари жаноб Любани Тошкентга тақлиф қилиш масаласи ҳам келгуси режаларимизда бор.

Акмал АБДИЕВ

### Маърифий сабоқлар

Бу фаний дунёда инсон умри ўткинчи. Уртача 60 ёшга киради, 22 минг кун яшар экан. Шу боис фойдасиз амаллардан юз ўгириб, бор имкониятлардан фойдаланган ҳолда ота-боболаримизнинг юксак ахлоқи ва маънавий пок бўлиш орасини амалга оширишга ўз ҳиссамизни қўшишни олий бурч деб билишимиз лозим.

Неча-неча асрлар ўтибдики, фозил кишилар: «Ўзингдан кейингиларга ибрат бўлай десанг, ўзингдан илгаригилардан ибрат ол. Ҳақиқий инсон ҳамиша илм ва ҳунар олишга интилади. Илм бир дарахт бўлса, одоб унинг мевасидир» деган фикрлардан ибрат олишган.

Анушервон доно бир кишидан сўради:  
— Гулларнинг орасида энг ширин ҳидлиси қайси?  
Доно:

— «Ота-она тириклигида уларни хурсанд қиладиган, вафот этгандан кейин эса уларнинг номини боқийлаштирадиган ҳаёт гули бўлмиш фарзанддир» деб жавоб берди. Ҳар бир дарахтнинг меваси бор, кўнглининг меваси эса фарзанддир.

Айтишларича, фарзанд ота-она қўлидаги омонатдир. Бу омонатни покиска сақлаш, бутун куч ва қувватларни

### Биринчи фасл:

## ҚАЙГУ-АЛАМ ВА ҲУЗУР-ҲАЛОВАТ

фарзандларини фаросат, камолот билан безатиш, уларнинг вужудини касбу ҳунар либоси билан кийинтириш вазибаларини амалга оширишда катталарнинг ҳамкорлиги керак.

Нақл қилишларича, ўғрилликда айбаниб дор остига келтирилган йигит онасини сўради. Онани олиб келадилар. Йигит: «Онажон, сўнгги илтимосим, кўзим болганган, оёқ-қўлим кийилганган, оғзимга бир мартагина кўкрак тутиш».

Она ўғлининг сўнгги дақиқалари эканини сезиб, оғзига кўкрагини тутди. Ўғил она кўкрагини қаттиқ тишлаб ўзиб олади-ю, тупуриб ташлади.

Йигитдан сўрайдилар: — Нега бу ишни қилдинг?  
Йигит: — «Кўзимда биринчи бор ўғриллик қилганимда онам қайтарганида эди, мен бугун дор остига келмас эдим» — деб жавоб берди.

Ривоят қилишларича, бир кун Молик ибн Динор уйида йиғлаб ўтирган экан. Буни кўрган одамлар:

— Нега йиғлаясан? — деб сўрадилар.

У эса:  
— Яққо ягона қизим бор. Гапдан гап чиқиб у менга «Эй ота, менга ҳаром овқат едирганингиздан кўра очдан ўлдирганингиз афзалроқ» деди. Мен бу ишнинг улдасидан чиқармакман деб йиғлаб ўтирибман, — деди.

Ушбу воқеалардан оқилона хулоса чиқариш ҳар кимнинг ўзига ҳавола. Қадимдан донолар фарзанднинг яхши ёки ёмон ҳуқли бўлишини оиладаги тарбияга боғлашган. Уларнинг айтишларича, тарбиясиз онадан туғилган ва разил ота қўлида тарбияланган фарзандлардан яхшилик кутиб бўлмас экан. Чиройли хулқ офтобга ўхшайди. Офтоб ўз нури билан музни эритгани каби, чиройли хулқ барча ёмонликларни қайтара олади.

Бошқа бир ривоятда келтирилишича, бетеб ота ярим тунда ўғлини қақриб, бир пиёла сув сўрабди. Ўғил сувени олиб боргунча ота яна ухлаб қолибди. Ўғил эса отам яна уйғониб сув сўраса махтал бўлмасин деб тонг отгунча отаси қошида сувени ушлаб ўтирган экан.

Ҳақимларнинг айтишича, «Бир сандик олтиндан бир қатра ақл яхши, чунки ақл бахтга етишиш воситасидир».

Кунлардан бир кун шаҳар ҳокимининг ҳузурига ўғриллик билан айбланган бир кишини келтирдилар. Ҳоким унинг қўлини кесишга буюради. Халқ йиғилган. Жазо майдонида шу вақт бир ёш қизча ҳоким ёнига келди ва тиз чўкиб, йиғлаб дейди:

— Азиз ҳокимимиз, ноҳўя иш қилгани учун отамнинг қўлини кесишга буюргансиз. Биламан, жазо беришга ҳақлисиз. Отамнинг мендан бошқа яна тўртта кичик фарзанди бор. Онамиз касал, бизларни боқа олмайди. Агар отамизнинг қўлини кестирсангиз ҳаммамиз очдан ўлаемиз. Бизларга раҳм қилинг, отамизнинг қўлини кестирманг, отамнинг қўли ўрнига менинг қўлимни кестиринг.

Ҳоким бу қизчада ота-онасига бўлган муҳаббат шу қадар кучли эканлигидан ҳайратда қолди. Шунда ҳам уни синамоқ учун:

— Майли, отамнинг қўли ўрнига сенинг қўлини кестираман. Эртагача сенга муҳлат, яхшилаб ўйлаб кел, кейин пушаймон емагин, — деди.

Эртаси кун отамнинг қўлини боғлаб майдонга келтирдилар, қиз ҳам ҳозир бўлади. Отасини кўрган севиниб: — Отажон сира кўрманг, мен ҳокимга отамизнинг қўли ўрнига менинг қўлимни кесдириш деб аялдим. У киши қабул қилди. Ҳозир менинг қўлимни кесиб сизни озод қиладилар, — деб қўлини жаллодга узатди.

Қизнинг сўзларини эшитган оломон унинг жасоратидан ҳайратланади. Ҳоким эса дарҳол қизнинг отасини озод қилади. Ота-бола кучоқлашиб, сева-сева уйига қайтишади. Айтиш мумкинки, ривоятлардаги сингари ақли фарзандларга эга бўлган ота-оналар ҳақиқий инсонлардир. Ҳаётдаги ҳузур-ҳаловатимиз ҳам шундан. Биз инсонимиз. Бирда ёмон, бирда яхши бу ёруғ дунёни қўриб яшаймиз. Эртаси бугундан янаям яхши бўлишига ишонамиз, умид қиламиз.

Махдум АШУРОВ,  
Сирдарё вилоят «Маърифатпарварлар»  
жамияти раисининг ўринбосари

### Биласизми?

### ҲОЗИР ҲАМ

### «СЎЗЛАШАДИ»

Ҳозирнинг «га-га»лашида бирон маъно борми? Профессор К. Лоренц ғозларнинг фель-атвори-ни ўрганиб, шундай хулосага келган: ғоз етти марта ё ундан кўп «га-га»ласа, бу «дон мўл экан, шу ерда қоламиз» дегани.

Олти марта «га-га»ласа — «дон оз, тезроқ бошқа ерга кетайлик», тўрт марта — «бу ерда ҳеч нарса йўқ, кетамиз», уч марта «га-га»лагани — «тезроқ қочайлик, эҳтимол учушга ҳам тўғри келар» дегани экан. Уларнинг «га-га»лаши эса «учмасдан ҳам, қочимиз керак» деган маънони билдираркан. Бирор ҳавф туғилгандаги хабарни қисқасига «ра» дейиш билан билдираркан.

### А.АКБАРОВ тайёрлади

Чилонзор тумани, 1-мавзе, Муқимий кўчаси 21-уй, 14-хонадонда жойлашган Қосимов Фахриддин Зиёвуддиновичга тегишли рестр рақами 3-368/2004 бўлган бино ва ер кадастр ҳужжатлари йўқлигини сабабли бекор қилинади.

### Ҳодиса

## БЎРИ БИЛАН ОЛИШУВ

Бу йил тоғларга қор кўп ёғди. Маълум вақт озуқасиз қолган Куйтош тоғ қалқилари, йирткич ҳайвонлар қишлоқ томон йўл олишди. Кимдир ҳовлисида қалқил ушлаганини, кимдир қўллашиб бўри қулаганини ҳикоя қилиши одатий ҳолга айланди.

Тадбиркор Сирож Ибрагимов чорва молларини тоғ ён-бағрида боқиб юрарди, ҳар эҳтимолга қарши чўқмар таёғини олиб, Бўрибосар, Сиртлон итларини ҳам эргаштириб юрган пайтда сурув нимадандир хуркиб кетди. Қўй оралаб юрган Сиртлон аллақандай йирткич таҳдидини сезди, хушёр тортиб афроғга жонсарақ қарай бошлади. Харсанг тош ортидан писиб келаётган катта бўрининг қўйларга ташланмоқчи бўлаётганини кўрган Сиртлон жон-жаҳди билан унга ташланди. Йирткич эса ўз ўлкаси пайида эмасми, гафлатда қолди. Ит бўрининг томоғидан маҳкам тишлаб гажий бошлади. Бўри ўзини у ёққа, бу

ёққа тортиди, лекин қутула олмади. Олишув таҳминан 40 дақиқа давом этди. Бу орада Сиртлонга иккинчи ит ёрдамга келди. Тадбиркор Сирож эса чўқмар таёғи билан бўрини уриб ҳолсизлантирди. Бўри қучдан қолиб йиқилгач, белбоғи билан бўрининг оғзини танғиб боғлади. Бўри ўзига келиб, ўрнидан турганида ҳам ҳеч кимга зарар етказмади.

Шу кун Сирожнинг отаси Исмомил Ҳожининг ҳовлисида бамисоли тўй бўлиб кетди.

Сирдарё вилоят таълим ва фан ҳодимлари касаба уюшма кенгаши вилоят кенгашининг Сайхунбод туманидаги вакили Тўхтабобӣ Ганиевга валидаи муҳтарамаси **БАШОРАТ** аянинг вафот этганини муносабат билан ҳуқур таъзия из-хор этади.



Кўни-қўшнилари ўзларича бўрининг тишидан, терисидан ирим сифатида олишди.

Сиртлон шарафига қўй сўйилиб, думбаси билан сийланди.

Фалларол тумани худудидидаги Каримсойлик Сирож Ибрагимовларнинг бўри билан олишувни Куйтошда анча вақтгача дув-дув гап бўлиб юрди.

Алибой ЭРГАШЕВ,  
журналист



### БОШ МУҲАРРИР

Абдухалик  
АБДУРАЗЗОҚОВ

### Тахрир хайъати:

Алла Долженкова,  
Виктор Зверев  
(бош муҳаррир ўринбосари),  
Маъмура Адилова,  
Мирзохид Содиков,  
Носирхон Акбаров,  
Ойсулув Нафасова,  
Пиримқул Қодиров,  
Соғиндиқ Ниетуллаев,  
Шамси Эсонбоев,  
Элёр Ёқубов,  
Ғулмоқир Юсупов

### Бизга кўнғироқ қилинг:

Котибият

153-52-78

### Бўлимлар

Касаба уюшмалари  
хаёти бўлими:  
153-87-63

Ҳуқуқ ва халқаро  
хаёт бўлими:  
153-87-73

Ижтимоий-иқтисодий  
сўбат бўлими:  
153-87-74

Миллий-маънавий  
қадриятлар ва спорт  
бўлими:  
153-82-79

Хатлар ва муҳбирлар  
билан ишлаш бўлими:  
153-85-43

Реклама ва эълонлар  
бўлими:  
153-03-90

### БИЗНИНГ МАНЗИЛ:

700165, Тошкент  
шаҳри, «Бухоро»  
кўчаси, 24-уй.  
Наиш кўрсаткичи:  
133; 134

E-mail:  
ishonch\_doverie4@mail.ru

### Газета ҳафтанинг

сешанба,  
пайшанба ва  
шанба кунлари  
чиқади.

Набатчи котиб -  
А.Алламуродов  
Набатчи муҳаррир -  
И.Ҳикматов  
Набатчи - Р.Давлатов  
Мусахҳиш - А.Ербеков

### Саҳифаловчи-дизайнер:

Ю.Михайловский

«Шарқ» нашриёт-  
матбаа акциядорлик  
компанияси  
босмаҳонасида  
чоп этилди.  
Корхона манзили:  
«Буюк Турон» кўчаси,  
41-уй.

Ўзбекистон Матбуот ва  
ахборот агентлигида  
0116-рақам билан  
рўйхатга олинган.

ИВМ компьютерида  
терияди ва саҳифаланди.  
Офсет усулида босилди.

Бачини А-2.  
Ҳажми 2 босма табоқ,  
Сотувда эркин нархда.

Босишга топшириш  
вакоти: 21.00  
Топширилди - 03.00

Буюртма Г — 115

Тиражи: 19219

2 3 4 5